

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 49-ҳадис

49/53 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: إِنَّ وَدَّ عَبْدَ الْقَيْسِ لَمَّا أَتَوْا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ الْقَوْمُ أَوْ مِنَ الْوَفْدِ؟» قَالُوا: رَبِيعَةُ. قَالَ: «مَرْحَبًا بِالْقَوْمِ - أَوْ بِالْوَفْدِ - عَيْرِ حَزَايَا وَلَا نَدَامَى». فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا لَا نَسْتَطِيعُ أَنْ نَأْتِيكَ إِلَّا فِي شَهْرِ الْحَرَامِ، وَبَيْنَنَا وَبَيْنَكَ هَذَا الْحَيُّ مِنْ كُفَّارٍ مُضَرٍّ، فَمُرْنَا بِأَمْرِ فَصَلِّ، نُخْبِرُ بِهِ مَنْ وَرَاءَنَا، وَنَدْخُلُ بِهِ الْجَنَّةَ، وَسَأَلُوهُ عَنِ الْأَشْرَبَةِ، فَأَمَرَهُمْ بِأَرْبَعٍ، وَتَهَاوَمَ عَنْ أَرْبَعٍ، أَمَرَهُمْ: بِالْإِيمَانِ بِاللَّهِ وَحْدَهُ، قَالَ: «أَتَدْرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَحْدَهُ؟» قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: «شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ، وَصِيَامُ رَمَضَانَ، وَأَنْ تَعْطُوا مِنَ الْمَعْنَمِ الْخُمْسَ». وَتَهَاوَمَ عَنْ أَرْبَعٍ: الْحَنْتَمِ، وَالذُّبَاءِ، وَالتَّقِيرِ، وَالْمُرْقَتِ. وَرُبَّمَا قَالَ: الْمُقَيَّرِ. وَقَالَ: «أَحْفَظُوهُنَّ وَأَخْبِرُوا بِهِنَّ مَنْ وَرَأَيْتُمْ».

49.53 Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абдулкайс вакиллари Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда, у зот: **«Бу одамлар ким [ёки бу вакиллар ким]?»** дедилар. «Рабийъа», дейишди.

У зот: **«Эй вакиллар [ёки эй одамлар], беҳижолат ва бенадомат хуш келдингиз!»** дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Биз олдингизга ҳаром ойлардагина кела оламиз, биз билан сизнинг ўртамизда Музор кофирларининг манави қабиласи бор. Шу боис бизни қатъий бир ишга буюрингки, уни ортимиздагиларга етказайлик ва шу сабабли жаннатга кирайлик!» дейишди ва у зотдан ичимликлар ҳақида сўрашди. Шунда у зот уларни тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсдан қайтардилар. Уларни ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришга буюра туриб: **«Ёлғиз Аллоҳга иймон келтириш нима эканини биласизларми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчидир», дейишди. У зот: **«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир»**, деб гувоҳлик

бериш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва ўлжадан бешдан бирини беришингиздир», дедилар. Тўрт нарсдан - ҳантам*, дуббо*, нақийр* ва музафбатдан* - (Ибн Аббос) баъзида «муқайяр»* деган - қайтардилар. У зот: **«Буларни эслаб қолинг ва ортингиздагиларга бунинг хабарини беринг»,** дедилар».

* Хумус - ўлжанинг бешдан бири.

* Ҳантам - лой, жун ва қон аралашмасидан ясаладиган хум.

* Дуббо - қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

* Нақийр - қуритиб, ичини ўйиб, идиш ясалган хурмо илдизи.

* Музафбат - зифт билан бўялган идиш. Меш ва саноч каби идишларни сув ўтмайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган елимсимон қора модда зифт деб аталган.

* Муқайяр - қийрланган идиш. Қийр бир ўсимлик бўлиб, қуритиб куйдирилган ва ундан олинган модда билан идишлар мустаҳкамлаш мақсадида бўялган. Аслида «муқайяр» билан «музафбат» битта нарса, яъни бир хил идиш. Шунинг учун Ибн Аббос розияллоҳу анҳу гоҳида «музафбат» сўзи ўрнига «муқайяр» сўзини ишлатар эдилар.

Изоҳ: Бу ҳадисда мазкур идишлардан қайтаришнинг маъноси уларда набиз тайёрлаб ичишдан ман қилишдир. Чунки уларда тайёрланган набиз маст қилиш хусусиятига эга бўлган. «Набиз» деб хурмо, майиз каби қуруқ меваларни сувга ивитиб, хамрга айланмай туриб олинадиган истеъмол қилмадиган ивитмага айтилади. Агар унинг вақти ўтиб кетса, хамрга яъни маст қилувчи ичимликка айланиб қолади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

